O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 7



ISSN: 2181 7804




JAHON
CHEMPIONATIDA!
FIFA


UZB UZB
1 0:51 2
O'ZBEK






SANOAT QURILISH BANK

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/7

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

А.У. Рашидов – Формирование оперативно-информационных моделей и логических приёмов в аналитической деятельности квалифицированных шахматистов. 3

Е.К. Близнецова – Научно-практическое обеспечение по совершенствованию самообороны женщин на базе единоборств. 7

Е.П. Скворцова – Воспитание и совершенствование скоростной выносливости у студентов образовательной программы «физическая культура и спорт» на учебных занятиях дисциплины «Полиатлон». 10

С.В. Ботяев – Стимулируемое развитие координационных способностей у студентов бакалавров образовательной программы «Физическая культура и спорт» на занятиях гимнастикой. 13

Р.А. Матчанов – Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини оширишда психологик ёндашув. 16

Ж.С. Сулаймонов – 15-16 ёшли волейболчиларда йиллик тайёргарлик даврида ўтказилган машғулотлар давомида куч ва тезкорлик-куч қобилиятларини ўсиб бориш динамикаси. 19

А.О. Абдалимов – Современные тенденции применения искусственного интеллекта в спорте. 24

М.К. Жуманиязов – Ёш регбичиларни тайёрлашда техник-тактик кўникмаларни шакллантириш. 27

Н.С. Курбанова – Анализ показателей отбора, используемых на этапе начальной подготовки бадминтонистов. 29

И.И. Мирзатиллаев – Енгил атлетика тўгаракларида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда IAAFнинг мусобақа дастурини қўллаш услубияти. 32

А.З. Ходжаев – Оғир атлетика машқларини техник жиҳатдан ўргатиш услублари. 36

Ф.А. Соловьева – Анализ управления цифровыми технологиями в фитнес индустрии. 39

Х.Х. Қурбонов – Ўрта масофага югурувчилар йиллик тайёргарлигида спорт формасининг шаклланиши ва ўсиш кўрсаткичлари таҳлили. 42

Ж.Р. Муратов., Э.С. Гаипов – Анализ приёмов в партере и стойке на соревнованиях по вольной борьбе среди взрослых. 47

К.Т. Шакиржанова – Научно-теоретические подходы к обеспечению гендерного равенства в сфере физической культуры и спорта. 50

Ш.Х. Ханкельдиев., С.Р. Ураимов – Мониторинг математической компетентности выпускников факультета физического воспитания с углубленным применением факторного анализа. 54

О.Х. Хасанов – 13-18 ёшли футболчиларни мусобақага саралашда психоэмоционал ҳолатнинг ўзига хос қиёсий таҳлили. 56

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 26.07.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/7

Ғ.Т. Исмоилов – Малакали кикбоксчилар машғулот жараёнига қизиқишини шакллантирувчи омиллар. 60

Чжан Цзысюань., В.В. Клинов – Современное состояние и перспективы развития гребли на байдарках и каноэ в Китайской народной Республике. 63

А.А. Абдураззахов – Спорт-соғломлаштириш туризмида талабаларнинг умумий функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлик даражаси таҳлили. 68

Н.Д. Кайназаров – Развитие физической подготовки посредством симуляционных упражнений для лыжных гонщиков в возрасте 13-14 лет. 72

Н.О. Отегенов – Анализ двигательных характеристик тела юных тяжелоатлетов 14-16 лет. 75

А.Е. Шилманов – Ёш футболчиларда координация қобилиятини ривожлантиришда вестибуляр гимнастика воситаларининг ўрни. 78

А.Б. Хасанов – Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касбий билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари. 82

Б.Ш. Рахматов., Л.Б. Собирова., Ғ.С. Хўжамкелдиев., И.М. Мамбетназаров., А.Р. Оталиева – Ёш каратэчиларни тайёрлаш жараёнида машғулотларни самарали ташкил этиш ва стратегик режалаштириш. 87

А.А. Турсунов – Замонавий волейболда тўпни қабул қилиб зарур зонага етказиш аниқлигининг ўрни ва уни барқарорлаштириш муҳимлиги. 90

Д.А. Омонов – Ёш боксчиларда чап қўл тўғри зарбаси жараёнида тананинг бурчак тезлиги ва зарба кучининг кинематик таҳлили. 93

Ш.У. Набиев – Талаба боксчиларнинг чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш жараёнида оёқ ҳаракатларининг кинематик таҳлили. 98

Ҳ.Д. Султонов – Спортчи талабалар (курашчилар)да вазн назорати ва замонавий методик асослари. 101

Ш.С. Тилавов – 14-15 ёшли триатлончиларининг куч-чидамкорлик тайёргарлигини такомиллаштириш. 104

М.Н. Эгамбердиев – Малакали кикбоксчиларда статик ва динамик режимларда мувозанат сақлаш турғунлигининг бир ўқув-машғулот йили давомида ўсиш суръати. 107

Ж.М. Шукурллаев – Мини волейбол спорт турини волейболга интеграциялаш вариативлиги акмеологияси. 111

А.К. Шарипов – Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг педагогик амалиётга касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш методларини такомиллаштириш. 115

Д.Э. Джурабаева – Профессор-ўқитувчиларнинг рационал турмуш тарзи ва морфо-функционал ҳолатига нисбатини сўровнома натижалари орқали таҳлил қилиш. 119

М.А. Ибрагимов – Спорт курашлари ва таэквондо спорт турларида эшитишида нуқсони бор спортчиларни тайёрлаш методикаларининг қиёсий таҳлили. 122

and the NBA. Abirami Vina. Mar 19, 2025 https://www.ultralytics.com/ru/blog/application-and-impact-of-ai-in-basketball-and-nba#:~:text=The%20NBA%20is%20already%20using,deeper%20insights%20into%20player%20performance.

Доцент
М.К. ЖУМАНИЯЗОВ[1]
[1]Урганч давлат педагогика институти
Урганч шаҳри, Ўзбекистон

ЁШ РЕГБИЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТЕХНИК-ТАКТИК КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация

Целью исследования является развитие технико-тактических навыков в подготовке юных регбистов. Рациональное использование тренером комплексных методов контроля в тренировочном процессе имеет большое значение в поддержании высокого уровня общей и специальной физической подготовленности регбистов и эффективном развитии технико-тактических навыков. Это, в свою очередь, положительно влияет на высокие результаты команды в соревновательном процессе.

Ключевые слова: *регби, физическая, технико-тактическая, психологическая подготовка, комплексный контроль, технико-тактические навыки, долгосрочное развитие игрока.*

Annotation

Тадқиқот мақсади ёш регбичиларни тайёрлашда техник-тактик кўникмаларни шакллантириш, тренировка жараёнида тренер томонидан комплекс назорат услубларини оқилона қўллаш, регбичилар умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини юқори даражада сақлашда ҳамда техник-тактик кўникмаларни самарали равишда шакллантириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, жамоанинг мусобақа жараёнида юқори натижаларни кўрсатишига ижобий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар*: регби, жисмоний, техник-тактик, руҳий тайёргарлик, комплекс назорат, техник-тактик кўникмалар, ўйинчининг узоқ муддатли ривожланиши.*

The purpose of the study is to observe the technical and tactical aspect in the training of young rugby players. The use of complex control methods by the coach during the training process plays an important role in effectively forming the technical aspect while maintaining a high level of general and special physical fitness of rugby players. This affects the high level of performance of one's own actions and the team's competitive actions.

Key words*: Rugby, physical, technical-tactical, mental preparation, comprehensive control, technical-tactical skills, long-term development of the player.*

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5924-сонли фармони [1], 2019-йил 29-октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4500-сонли [2], 2024-йил 8-ноябрдаги "Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-421-сонли [3], 2016-йил 3-июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда 2025-йил 13-феврал куни олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишга бағишланган видеоселекторда берилган вазифалар ижроси юзасидан жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда ёш регбичиларни тайёрлашда техник-тактик кўникмаларни шакллантиришнинг янги услубларини излаб топиш долзарб муаммолардан биридир. Бу, биринчи навбатда, ўқув-машғулот жараёнини ва мусобақа фаолиятини оқилона режалаштириш ва назорат қилиш билан боғлиқ. Шу орқали спортчилар мусобақа фаолиятида йўл қўйиладиган хатоларни аниқлаш ва шунинг асосида ўқув-машғулотларга тегишли тузатишлар киритиш имкони юзага келади.

Тадқиқотнинг мақсади мусобақа фаолияти натижалари асосида Урганч ОПСТТМ ўқув-машқ гуруҳи (ЎМГ-1) босқичида шуғулланиб келаётган ўқувчиларнинг техник-тактик кўникмаларини (ТТК) таҳлил қилиш ва ўқув-машғулотлар жараёнида уларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари: У-17 ёш тоифасидаги регбичиларнинг 2025-йил 4-7-апрел кунлари Бишкек (Қирғиз Республикаси) шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро турнирдаги энг самарали ТТК кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, инструментал усул, видеотаҳлил, педагогик тажриба.

Барча жамоавий спорт турларида юқори натижаларга эришиш бу жамоадаги ҳар бир ўйинчининг ҳолатига (функционал, жисмоний, техник-тактик, руҳий ва ҳ.к.) боғлиқ.

Тренернинг асосий мақсади, аввалambор, болалик ва ўсмирлик ёшида жисмоний саводлиликни ривожлантиришдир, шунда ёш ўйинчи кенг ривожланган умумий ҳаракат кўникмаларига эга ва ўйин талабларига жисмоний жиҳатдан тайёр бўлади.

Масалан, асосий ҳаракат қобилиятлари – бу турли хил ҳаракатчанлик, координация қобилияти ва барқарорликнинг асоси деб айта оламиз. Улар тўп узатиш, тўпни илиш, оёқ билан зарба, ҳимоячини чалғитиш, кураш, туртиш-итариш, сакраш каби регби ўйинининг регби ўйнаш учун зарур бўлган барча техник маҳоратга эга бўлган асосий кўникмаларининг тузилма блокларидир.

1-расм

Скрам ҳолати (sxvatka, scrum)



Асосий омиллар
• Биринчи қатор рақибнинг биринчи қатордан қўл узунлигидаги масофада жойлашади.
• Скрамга киришдан олдин барча ўйинчилар бир бутун бўлиб, бир-бирига маҳкам ва қулай тарзда боғланишлари керак.
• Скрамга киришни белгиланган тартибда, ҳакамнинг сигналларига биноан амалга оширилади.
• Скрамга киришдан аввал кадднгизни пасайтиринг, шунда тирсаклар олдинга ва юқорига йўналтирилган итаришни бажара олишлари.
• Скрамга киришдан олдин бошни тўғрига қаратинг, умуртқа ҳам тўғри бўлиши керак, барча ўйинчиларнинг умуртқалари битта чизиқда ва битта текисликда бўлиши лозим.
• Қарама-қаршидаги тиргак билан боғланинг, бунинг учун қўлингизни рақиб таянасининг юқори қисмида ўрнаштириб олинг.
• Скрамдаги ўйинчилар, тўпни ташлаш билан бир вақтда итариш ҳаракатини амалга оширишга керак. Тўпни ўртага ташлаш белгиларини жамоадошингиз билан келишиб олинг.
• Чап тиргакнинг оёқларини орасида тўп билан ўйин ҳаракатини бажаринг.
• Тўпни 8-рақамнинг ўнг тарафидаги канал орқали олиб чиқинг.
• Тўпни скрам ярим ҳимоячисигача олиб чиқинг.

2-расм

Рак ҳолати (ruck)



Асосий омиллар
• Тўп чиқунгакадар босим билан бир бутун бўлиб, олга ҳаракатланинг.
• Имкон борича олд томон ҳаракатланинг, лекин ўзингизни яккаланишга йўл қўйманг.
• Ерга йиқилинг ва танангизни дарвоза чизигига параллел равишда, тўп ва рақиб ўйинчилар орасида жойлашинг.
• Тўпни жамоадошларингиз томонигакўйинг.
• "Кириш дарвозаси" орқали киринг, жамоадошларингиз билан боғланинг ва рақибларни босим билан тўп устидан олд томонга ҳаракатланинг.
• Ракни шакллантиринг, унинг кенглиги тўпнинг ҳажмсиз чиқиб кетишини таъминлаш керак.

3-расм

Ҳужумда ёрдам



Asosiy omillar
• Ўйин йўналиши ва ривожланиш усулларини белгиланг.
• Ўзингизни югуриш чизигингизни шундай шакллантиришингиз керакки, у чуқур позициядa бўлиши ва ҳужумга даркол қўшилиш имкони мавжуд бўлиши керак.
• Сиз тўп ушлаган ўйинчига яқин ва орқасида бўлишингиз керак.
• Тўп ушлаган жамоадошингизга ўйинга киришга тайёрлигингиз ҳақида хабардор қилинг.
Ўйинда ёрдам бериш вазифасини бажараётганингизда, тўпни рақиб-лардан сақлашга ва уни олга ҳаракатлантиришга интилинг.

4-расм

Ҳимояда ёрдам



Асосий омиллар
• Ўйиннинг йўналишини ва ривожланиш усулларини белгиланг.
• Ўзингизни югуриш чизигингизни шундай шакллантиришингиз керакки, ўйин бошқа томонга эмас, сизга йўналиши керак.
Тўп ёнида ёки тўп учун курашаётган жамоадошларингизнинг ҳаракатларини давом эттиринг ва фаол равишда ёрдам беринг.

Ўйинчининг узоқ муддатли ривожланиш йўли 1990-йилларда Канада Миллий мураббийлар институти доктори Истван Балйи фаолияти ва таъсири орқали дастлаб таклиф қилинган ва нафақат регби ўйинида, спортнинг бошқа турларида ҳам амалга оширилган.

Бугунги кунда Балйи ва унинг ҳамкасблари томонидан таклиф қилинган модел этакчи мураббийлар учун техник, тактик ва жисмоний кўникмаларни ривожлантириш ва ўйинчиларнинг ўйин талабларига тайёргарлигини яхшилаш дастурларини ишлаб чиқишда асосий мезонга айланди [16].

Ўйинчининг узоқ муддатли ривожланиш йўлининг

5-расм

10 та асосий тамойиллари



Модел қатъий кўрсатма бўйича эмас, балки намуна/шаблон сифатида ва ривожланишнинг барча босқичлари ҳамда ўйинчига йўналтирилган ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлаб, кўрсатмалар тўплами сифатида кўриб чиқилади.

Шунингдек, у бир қатор ўзига хос босқичлар орқали боланинг, ёш ўйинчининг, кейин эса катталар ўйинчининг ривожланиши тўғрисида тушунча беради. Модел 10 та асосий тамойиллар тўпламига асосланган.

Биринчи муҳим тамойил – бу ўйинчининг дастлабки ривожланишдан то унинг потенсиал имкон чегараларигача бўлган вақтни баҳолаш.

10 йиллик қоида тақдим этилган мунтазам ва давомий машғулотлар доирасининг тўлиқ ривожланиши учун асосдир. Бироқ, бу асосий талаб деб ҳисобланмаслиги керак.

Ушбу спорт турида ҳақиқий салоҳиятга эришишни истаган ва интилувчилар учун қўлланма деб ҳисобласа бўлади. Учинчи тамойил шундан иборатки, эрта ихтисослашиш ўйинчи учун муаммо туғдириши мумкин, чунки у асосий ҳаракат кўникмаларини ривожлантиришда муҳим вазиятлар эътибордан қолиб кетиши мумкин [15].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Халқаро турнирда иштирок этган Урганч олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази мусобақадаги иштироклари таҳлил қилинди.

Мусобақалар фаолияти ҳамда олиб борилган тадқиқотлар натижасига мувофиқ ўқув-машғулот жараёнида тренернинг комплекс назорат услубларини оқилона қўллаши, регбичилар умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасини юқори даражада сақланиши ҳамда техник-тактик кўникмаларни самарали равишда шаклланиши, бу эса ўз навбатида регбичиларнинг мусобақа жараёнида юксак натижаларни кўрсатишига таъсир қилиши аниқланди.

Хулоса: Халқаро турнирда иштирок этган Урганч ОПСТТМнинг "Регби" бўлими, ўқув-машқ гуруҳи (ЎМГ-1) босқичида шуғулланаётган ўқув-

чи-спортчиларнинг мусобақа фаолияти таҳлили натижалари қуйидагича бўлди:

Мусобақа жараёнида регбичиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасининг фаол сақланиши 1-5 дақиқаларда кузатилди. Кескин баҳсларда жамоадаги ҳужумчиларнинг 70-75% тезкорлиги эвазига жамоа ғалабага эришди.

Спортчиларнинг спорт маҳорати ва тайёргарлик даражаси бир-биридан фарқ қилмайди. Эришилган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, регбичиларнинг техник-тактик кўникмалари шаклланиши юқори даражада.

Спортчиларнинг фунционал тайёргарлиги спортчиларга қуйиладиган замонавий талабларга қисман жавоб беради:

Беллашувнинг 6-7-дақиқаларида спортчилар ТТКлар даражаси бироз пассив ҳолатда. Бу ўқув-машғулот йиғини даврида регбичиларнинг махсус тайёргарлигини ҳамда жамоавий ўйин кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, регби ўйини учун зарур бўлган асосий жисмоний тайёргарлик хусусиятларни ажратамиз:

куч, чидамлилик, умумий ва тезкор чидамлилик (узуқ-юлуқ тез югуриш, мулти-спринт), умумий ҳаракатчанлик ҳамда тезкорлик (мобильность), тезлик, чаққонлик (эпчиллик).

Тренировка жараёнида асосий таркибий қисмлар – куч, тезлик, чаққонлик, умумий чидамлилик ва тезликка чидамлилик, самарали ҳаракат қилиш ва ўйиннинг техник кўникмаларини шакллантириб бориш тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон эспубликаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2020- йил 24-январ, ПФ-5924–сон.

2. Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2024-йил 8-ноябр, ПҚ-421–сон.

3. “Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2019-йил 29-октябр, ПҚ-4500–сон.

4. “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2017-йил 3-июн, ПҚ-3031–сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор. “Олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш”. 2025-йил 13-феврал.

6. Матвеев Л.П. Построение спортивной тренировки // Основы спортивной тренировки. Ч.3. – М.: ФИС, 1977.



Соискатель
Н.С. КУРБАНОВА[1]
[1]Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
город Чирчик, Узбекистан

АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОТБОРА, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ НА ЭТАПЕ НАЧАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БАДМИНТОНИСТОВ

Аннотация

В работе рассмотрены факторы, используемые в первичном и вторичном отборе на этапе начальной подготовке в бадминтоне, а также уровень их влияния на результаты соревновательной деятельности юных бадминтонистов.

***Ключевые слова**: бадминтон, этап начальной подготовки, критерии отбора, антропометрические показатели, физические качества, двигательные способности.*

Annotation

Ушбу ишда бадминтонда бошланғич тайёргарлик босқичида бирламчи ва иккиламчи саралашда қўлланиладиган омиллар ҳамда уларнинг ёш бадминтончиларнинг мусобақа фаолияти натижаларига таъсир даражаси таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: бадминтон, бошланғич тайёргарлик босқичи, саралаш мезонлари, антропометрик кўрсаткичлар, жисмоний сифатлар, ҳаракатланиш қобилиятлари.*

This paper examines the factors used in primary and secondary selection during the initial training stage in badminton, as well as the level of their influence on the competitive performance of young badminton players.

***Key words**: badminton, initial training stage, selection criteria, anthropometric indicators, physical qualities, motor abilities.*

В Республике Узбекистан последовательно осуществляется политика оздоровления населения и привлечения его к массовым занятиям спортом. В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению здорового образа жизни и дальнейшему развитию массового спорта» шесть видов спорта признаны приоритетными в развитии массового спорта и пропаганде здорового образа жизни среди населения республики. В число приоритетных видов входит, в том числе, и бадминтон. В рамках исполнения Указа Президента запланирован ряд ежегодных мероприятий, имеющих своей целью пропаганду и развитие данного вида спорта среди населения («Принцессы весны», «Бадминтонная лига» - среди учащихся общих средних и профессиональных











